

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**4.2021**

**научно-теоритический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2021**

**Рўзиев Яраш Бозорович**  
(БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси, PhD; e-mail: [varasch@mail.ru](mailto:varasch@mail.ru))  
**НЕМИС ТИЛИ ЗАМОН ШАКЛЛАРИНИНГ ПУБЛИЦИСТИК МАТНЛАРДА**  
**ПРАГМАТИК МАҚСАДДА ҚЎЛЛАНИШИ**

**Аннотация.** Мақолада немис тили замон шаклларининг публицистик матнлардаги прагматик хусусиятлари газеталардан олинган мисоллар асосида таҳлил қилинган. Замон шаклларининг публицистик матнда қўлланиши уларнинг услубий хусусиятлари ва мақолаларнинг турига боғлиқдир.

**Аннотация.** В статье анализируются прагматические особенности временных форм глагола в немецком языке на примерах публицистических текстов. Употребление временных форм глагола в публицистическом тексте зависит от их стилистических особенностей и типа статей.

**Annotation.** The article analyzes the pragmatic features of the tense forms of the verb in German using examples of journalistic texts. The use of tense forms of the verb in a publicistic text depends on their stylistic characteristics and the type of articles.

**Калим сўзлар:** публицистик матн, услуб, жанр, замон шакллари, прагматик имконият, эмоционал таъсир, парадигматик маъно, таксис.

**Ключевые слова:** публицистический текст, стиль, жанр, временные формы, прагматическая возможность, эмоциональное воздействие, парадигматическое значение, таксис.

**Key words:** publicistic text, style, genre, tense forms, pragmatic opportunity, emotional action, paradigmatic meaning, taxis.

Немис тили замон тизимини ҳар томонлама тадқиқ қилган Х.Вайнрих претерит шакли вақт-ли матбуот матнларида жуда кам миқдорда учрашини қайд этган эди.<sup>1</sup> Лекин биз танлаган материал ушбу замон шакли газетада эълон қилинган мақолалар матнида бирмунча кенг миқёсда қўлланишидан дарак беради. Авваламбор, айтиш керакки, газета ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг тил хусусиятлари ўзига хосдир. Тобора такомиллашиб бораётган матбуот тили тизими, бир томондан, жамиятда амалда бўлган нутқий фаолият турларининг қарийб барчасини қамраб олса, иккинчи томондан, муаллиф матни таҳрирдан ўтказилиб, нашр талабларига мослаштирилади. Бундан ташқари, ОАВнинг барча турларида алоҳида услубий белгилар мавжудлиги билан бир қаторда, уларнинг барчаси учун умумий бўлган нутқий хусусиятлар ажратилади. Бинобарин, газета матнининг лексик-грамматик тузилиши унинг ўқувчи томонидан осонроқ тушунилишини таъминлаши лозим. Бунинг учун матн таркибидаги гаплар у қадар узун бўлмаслиги, тушуниш қийин бўлган сўзлар кам қўлланилиши ва ҳоказолар талаб қилинади. Шунга биноан баён услуби, матн структураси, жанрлар вариантлашуви каби белгиланади.<sup>2</sup>

Газета-публицистик услубининг бошқа функционал стиллардан фарқли жиҳатлари, унинг лисоний тузилиши, ифода имкониятлари тадқиқотчилар эътиборини тортиб келмоқда.<sup>3</sup> Публицистика, бир томондан, ҳукмрон сиёсий муҳит қамровида ривожланиб, ўз лисоний қиёфасини шакллантирса, иккинчи томондан, ижтимоий жараёнларга таъсир ўтказувчи муҳим воситадир. Таъсир кўрсатиш вазифасининг амалга ошириши эса, ўз навбатида, тил тизимининг барча қатламларида силжишлар юзага келишига, янги бирликлар гуруҳлари шаклланишига туртки беради. Газета-публицистик услуби, шунингдек, ўзига хос матн тузиш хусусиятига эга ва бундан матн композицияси ишонтириш, бахслашиш, тарғибот қилиш каби нутқий таъсир вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур вазифалар лисоний бирликлардан прагматик мақсадда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда бажарилса, тил қатламларидаги силжишлар ҳақида гап кетганида эса грамматик категориялар таркибидаги ўзгаришлар, грамматик шаклларнинг ўзаро муносабати, уларнинг маъновий ва функционал мослашуви билан боғлиқ ҳодисалар ҳам назарда тутилади. Қуйида биз шу йўлдан бориб,

<sup>1</sup> Weinrich H. Tempus. Besprochene und erzählte Welt. Stuttgart, Franz Steiner Verlag, 1995, s. 120.

<sup>2</sup> Marschall M. Textfunktionen der deutschen Tempora. Geneve, Editions Slatkine, 1995, s. 173.

<sup>3</sup> Клушина Н.И. Стилистика публицистического текста. М., "Медиа Мир", 2008, с.77 (<http://www.gramota.ru/mag-arch:html.Id=80>).

немис тилидаги газета-публицистик матнларида замон шаклларининг прагматик мақсадда қўлла- ниш кўламини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Газета матнлари хусусиятларига кўра бир хил эмас. Биринчидан, мақолалар турига (бош ма- кола, репортаж, шарҳ, қисқа хабар ва б.) қараб матн турлари ўзгариб боради. Иккинчидан, газета бўлимларининг мақсад-моҳиятига кўра, матнда турли лисоний унсурлар қўлланади. Жумладан, сиёсат бўлимидаги матн структураси молия-иктисод ёки спорт бўлими матнидан тубдан фарқ қи- лади. Айнан мана шу икки мезон асосида публицистик матнларни тадқиқ қилиш мақсадга муво- фикдир.<sup>1</sup>

Публицистика мураккаб жанр тури бўлиб, ушбу жанрда битилган матнлар мазмун жиҳатдан турли гуруҳларга тақсимланади. Шундай таснифлардан бирини ўтган асрнинг 70-йилларида И.Р. Гальперин таклиф қилиб, публицистик матнларни уч асосий турга ажратган эди: а) ахборий мақо- лалар (интервью, хабар, ҳисобот, репортаж); б) таҳлилий мақолалар (мақола, изоҳ, очиқ хат, умум- лаштирувчи маълумот, журналист текшируви); в) бадиий-публицистик мақолалар (суҳбат, лавҳа, очерк, памфлет, пародия, эпиграмма).<sup>2</sup> Биз феъл замон шаклларининг публицистик жанрда праг- матик аспектда қўлланишини ўрганиш жараёнида Spiegel журнали ва Süddeutsche Zeitung, Frank- furter Allgemeine Zeitung каби газеталардан олинган матнларни олти гуруҳга тақсимладик. Булар қуйидагилар: 1) бош мақола; 2) изоҳ; 3) хабарлар ва янгиликлар; 4) фельетон; 5) илмий публицис- тика; 6) ҳикоя.

Бош мақола матнида энг кам қўлланиладиган шакл перфектдир, чунки ушбу шакл субъектив муносабат прагматик мўлжалини ифодалашнинг фаол воситаси ҳисобланади. Қиёсланг:

Auch in Berlin hat der Senat entschieden, die von Bund und Ländern verabredeten Lockerungen bei den Kontaktbeschränkungen für private Treffen über die Feiertage in Berlin nicht umzusetzen.

Erwartungsgemäß haben die Gesundheitsämter dem Robert Koch-Institut (RKI) am Montagmorgen vergleichsweise wenig neue Corona-Infektionen gemeldet. Innerhalb eines Tages sind 11 169 neue Fälle übermittelt worden, wie das RKI auf seiner Webseite bekanntgab.

Шунингдек, перфект шаклининг плюсквамперфект билан таксис муносабатига киришуви кузатилади: Das Urteil ist gesprochen. Hussein K. ist seinem Prozeß mit wenig mehr sichtbaren Re- gungen gefolgt als gähnender Müdigkeit. Der psychiatrische Gutachter hatte ihn als manipulativ und auf- fällig gefühllos gegenüber seinen Opfern bezeichnet. K. sei weder alkohol- noch drogensüchtig, nicht depressiv oder traumatisiert.

Кўринадики, бош мақолада перфект, кўпинча, кечаётган муҳим воқеаларни қайд қилади. Худди шу прагматик вазифани претерит ҳам бажариши кузатилади. Қиёсланг:

Die deutschen Gesundheitsämter meldeten binnen 24 Stunden zudem 125 neue Todesfälle. In der Tendenz war die Zahl der täglichen Todesfälle zuletzt nach oben gegangen, was nach dem steilen Anstieg bei den Neuinfektionen auch erwartet worden war. Die Gesamtzahl der Menschen, die an oder unter Beteiligung einer nachgewiesenen Infektion mit Sars-CoV-2 gestorben sind, stieg auf insgesamt 16 248.

Газеталарда нашр қилинадиган бош мақолаларда, изоҳ берувчи матнлардагидек, презенс шакли қўлланади, бироқ бу турдаги матнларда футурум II шаклини биз ўрганган материалда уч- рагидек. Кондиционалис I ва футурум II шакллари эса баъзан учраб туради:

Der bayerische Wissenschaftsminister Zeschmeier würde, wie er sagt, entgegen der Gesetzlage in Bayern über Studiengebühren mit sich reden lassen.

Das Haus werde ein vertrauter Anblick und ein weiterer Blickfang Berlins werden.

Изоҳ туридаги матнларда ўқувчига таъсир ўтказиш мақсади кескин қўйилмайди, шунинг учун ҳам бетарафлик прагматик мўлжалини амалга ошириш учун, кўпинча, перфект шаклига му- рожаат қилинади. Кейинги даврда гендер соҳасида олиб борилган тадқиқотлар гувоҳлик бериши- ча, ушбу вазиятларда эркаклар кўпроқ перфект шаклидан фойдаланишса, аёллар эса претеритни маъқул кўрадилар. Қиёсланг: Unter ihrer Führung ist die Gesellschaft auf dem Weg in die Sprach- norme, glaubenslos und herkunftsblinde Zukunft gut vorangekommen. Nur mit der natürlichsten von allen Differenzen, dem Anstand zwischen den Generationen, sind die Egalisierer nicht fertig geworden. Er ist geblieben, was er immer war.

Қизиғи, ушбу турдаги матнларда перфект абсолют замон мазмунда қўлланса, плюсквампер- фект эса нисбий хусусиятга эга.

<sup>1</sup>Marschall M. Textfunktionen der deutschen Tempora. Geneve, Editions Slatkine, 1995, s. 167.

<sup>2</sup> Гальперин И.Р. Стилистика английского языка. М., “Высшая школа”, 1977, с. 128.

Публицистик функционал услуби тахлили гувоҳлик беришича, ушбу услубда битилган матнларда претерит ўрнига перфект шаклининг қўлланиш етакчилиги қилади. Ушбу ҳолатнинг сабаби перфект шаклининг алоҳида таъкидлаш ва аниқлаштириш прагматик имкониятига эга эканлиги билан боғлиқ. Бунда, албатта, перфектнинг инвариант маъносидан тўлиқ фойдаланиш лозим бўлади. “Изоҳ”, “қисқа хабар” жанридаги матнларда перфектнинг парадигматик маъносидан кўра кўпроқ синтагматик маъноси воқеланади. Бу, ўз навбатида, прагматик мазмун ифодасини қулайлаштиради ва коммуникатив самарани таъминлайди. Айниқса, “қисқа хабарлар”да дастлабки қаторлардаёқ перфектга мурожаат қилиниши нутқий таъсир кучини яна-да оширишга замин яратади. “Изоҳ” туридаги матнлар таркибида фақат перфект шаклининг учраши ўқувчига эмоционал таъсир ўтказиш учун хизмат қилади.

Фельетон ва газета ҳикояси жанрларида замон шаклларининг прагматик вазифаси ўзига хосдир. Мазкур турдаги матнлар стилистик жиҳатдан бир хил кўринишга эга бўлсалар-да, лекин замон шакллари фаоллашувида турлича эканликлари кўриниб туради. Фельетонда, асосан, презенс шакли устуворлик қилса, ҳикоя матнида, худди роман, новелла каби бадиий асарлардагидек, претерит ва плюсквамперфект шакллар кўпроқ учрайди.

Барча таҳлил қилинган жанрларда таксис муносабатларини ифодалашда плюсквамперфектга мурожаат қилинади. Аммо ушбу шакл фақат парадигматик маънода қўлланилавермайди, зеро, унинг воситасида ифодаланаётган ҳаракат претеритдан ташқари, перфект ва презенсдан олдин ба-жарилган бўлади.

**Юсупова Хилола Саъдулла қизи (преподаватель кафедры китайской филологии факультет  
Китаеведения Ташкентский государственный университет востоковедения; e-  
mail: [Hilola7893@mail.ru](mailto:Hilola7893@mail.ru))**

## **ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ ПРИ ПОМОЩИ АФФИКСОВ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ**

**Аннотация.** Мазкур мақола ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзларнинг аффикслар ёрдамида ҳосил бўлиш хусусиятлари ёритилган. Мазкур ҳодиса ҳозирги хитой тилида кенг тарқалган бўлиб, янги лексик бирликларни, сўзлар шаклларини ҳосил қилишида маҳсулдорлик нуқтаи назардан иккинчи ўринни эгаллайди. Ушбу мақола от сўз туркумига оид сўзларни ҳосил қилишида қўлланидиган маҳсулдор аффиксларни аниқлашга ҳам қаратилган. Бунда компонент таҳлил, моделлаштириш усулларидан фойдаланилган. Мақолада таркибида аффиксли морфемалар мавжуд конструкциялар тақдим қилинган, ҳар бир суффиксни лексик хусусиятлари ёритилган ва от сўз туркумига оид сўзларни ясаида қўлланилувчи янги конструкциялар аниқланган.

**Аннотация.** Данная статья посвящена исследованию особенностей образования существительных при помощи аффиксов в современном китайском языке. Актуальность исследования обусловлена тем, что данное явление широко распространено в словообразовании современного китайского языка и занимает второе место по продуктивности образования как новых лексических единиц, так и различных форм слова. В связи с этим, данная статья направлена на выявление продуктивных аффиксов, служащих материалом для образования существительных. Ведущим подходом к исследованию данной проблемы является компонентный анализ, а также моделирование конструкций, при помощи которых образуются соответствующие слова-существительные, позволяющие комплексно рассмотреть данное явление в рамках аффиксации современного китайского языка. В статье представлены конструкции с аффиксальными морфемами, на базе которых образуются слова-существительные, раскрыты лексические особенности каждого из суффиксов, выявлены новые конструкции, на базе которых формируются новые слова-существительные, проанализированы лексические значения суффиксов.

**Annotation.** This article is dedicated to the study of the peculiarities of the formation of nouns using affixes in modern Chinese. The relevance of the study is due to the fact that this phenomenon is widespread in the word formation of the modern Chinese language and ranks second in the productivity of the formation of both new lexical units and various forms of the word. In this regard, this article is aimed at identifying productive affixes that serve as material for the formation of nouns. The leading approach to the study of this problem is component analysis, as well as the modeling of structures, with the help of which the corresponding nouns are formed, allowing a comprehensive consideration of this phenomenon within the framework of the affixation of the modern Chinese language. The article presents

## MUNDARIJA

### MATEMATIKA

<b>Матyoqubov Hikmatjon Shuhratovich, Ollayarova Oydin Husain qizi.</b> Galliy arsenidi asosida olingan quyosh elementlarida himoya qoplamalaridan foydalanish imkoniyatlari.....	3
<b>Баратов Файзулло Шукурович.</b> Кватернионлар алгебрасини методик такомиллаштириш.....	5
<b>Эшнiёзов Абдумалик Искандар ўғли.</b> Бесконечномерные бистохастические квадратичные операторы.....	7

### FALSAFA

<b>Абдурахмонов Ҳасан.</b> Жамият ҳаётида инновацион тафаккурни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий омиллари.....	18
<b>Мардонов Равшан Субханович.</b> Ғарбда таълим фалсафасининг янги билим соҳаси сифатида шаклланиши.....	20
<b>Худайберганов Равшонбек Худайберган ўғли.</b> Тил ва коммуникация ижтимоий онгни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида.....	27
<b>Жамолов Давронбек.</b> Миллий маданият: таркибий таҳлил.....	31
<b>Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович.</b> Қадриятлар тадқиқининг концептуал асослари ва ривожланиш босқичлари.....	35

### TILSHUNOSLIK

<b>Отабоева Мазмуна Раҳимовна.</b> Сўз туркумларида градуонимия ҳодисаси.....	41
<b>Жумаев Турсунали.</b> Ўзбек тилида тақлидлардан юзага келган сўзларнинг тарихий-этимологик талқини ҳақида.....	44
<b>Azimova Iroda Alisherovna.</b> O‘zbek tilidagi agrammatik afaziyada fe’llarning tushunilishi.....	47
<b>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич.</b> Немис, рус, ўзбек тиллари изоҳли луғатларида дипломатик терминларнинг тақдимот қилиниш масалалари.....	50
<b>Рўзиёв Яраш Бозорович.</b> Немис тили замон шакллариининг публицистик матнларда прагматик мақсадда қўлланиши.....	54
<b>Юсупова Хилола Саъдулла қизи.</b> Особенности образования существительных при помощи аффиксов в современном китайском языке.....	56
<b>Алимов Тохир Егамшукурович.</b> Роль языка в выражении и передаче мысли.....	66
<b>Байжанова Окила.</b> Дипломатическая терминология и её особенности в разнoсистемных языках.....	69

### ADABIYOTSHUNOSLIK

<b>Ҳамдамов Улуғбек.</b> Асқад Мухтор шеърятининг ўзига хос хусусиятлари.....	73
<b>Ўтанова Сирдарёхон.</b> Искандар – адолат ва донишмандлик тимсоли.....	75
<b>Абдуллаева Саломат Равшановна.</b> Комил Аваз шеърларида ишқ ва маънавият масалалари.....	80
<b>Жумаева Нилуфар.</b> Уильям Фолкнер ижодида “онг оқими”.....	83
<b>Умарова Махлиё.</b> Вальтер Скоттнинг “Айвенго” асарида тарихийлик принципи.....	86
<b>Сабирова Насиба Эргашевна.</b> Бахшичилик санъатининг сўнгги тараққиёти.....	89

### PEDAGOGIKA

<b>Исматова Шахноза Мирахматовна.</b> Талабаларнинг ўқув ютуқларини баҳолашда балл-рейтинг тизими кредит-модуль тизимининг таркибий қисми сифатида.....	93
<b>Жуманазаров Умид Умрзоқович.</b> “Таълимни рақамлаштириш” мобил ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг истиқболлари.....	96
<b>Abdullayeva Lola Toxirovna.</b> Chet tillarni o‘qitishda filologiya yo‘nalishi talabalarining sotsiologiyaviy kompetensiyasini takomillashtirish.....	99
<b>Turdiyeva Mohira Jo‘raqulovna.</b> Fanlararo integratsiya va interfaol metodlarning psixik jarayonlarga ta‘sirini.....	102
<b>Ҳайдаров Комил Донабаевич.</b> Шахс маънавий камолотида узлуксиз таълимнинг ўрни.....	106
<b>Jalilova Guzal G‘ulomovna.</b> “Aralash” ta‘lim shaklida “Flipped Classroom” modulining ahamiyati.....	110

# “ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-nazariy, metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**  
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**  
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**  
**Aybek Kalandarov**  
Ushbu songa mas’ul **Jamila Ermetova**

Terishga berildi: 20.04.2021  
Bosishga ruxsat etildi: 30.04.2021.  
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.  
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.  
Adadi 150. Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma №. 14  
Hisob-nashriyot tabag‘i 25  
Shartli bosma tabag‘i 23  
UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani  
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi  
Tasdiqnoma (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986) asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.  
Telefon/faks: (0362)-224-66-01;  
e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz)  
[ilmsarchashmalari@mail.ru](mailto:ilmsarchashmalari@mail.ru)  
Veb-sayt: [www.ilmsarchashmalari.uz](http://www.ilmsarchashmalari.uz)  
Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>